



## DIMENSION OF COFFEE WITH MILK COFFEE

M.Sh. Khairullayeva,  
MB Normuminova,  
OK Ochilov,  
A.Shermatov

Samarkand Veterinary Medical Institute.



### Annatation:

The research on Simmental breed cows productivity is devoted and the compensation of feeding expences depen dence on the type of covs, It is also found out the Fecding expences compensation level was highaccording to the process of milk productive type of cows during their lactation, It has been defined that diary breed “Simmental” cows are tu be increased by productivety in order to get more milk.

### Keywords:

Simmental, breed, cow, herd, milk, feed.

Республикамизда чорвачиликни ривожлантиришда мустаҳкам озука базасини яратиш билан бирга наслчилик базасини мустаҳкамлаш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Насл қиймати юқори моллар юқори маҳсулдорлик хусусиятларига эга бўлиши билан бирга озуқани маҳсулот билан юқори даражада қоплаш хусусиятларига ҳам эга бўлади. Бу ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини пасайтириб ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлайди. Шунингдек бундай моллардан подада фойдаланиш, уларни тўла қийматли озиқлантириш билан таъминлаш юқори маҳсулдор подалар яратишда ва зотни такомиллаштиришда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади

Тадқиқотнинг мақсади четдан келтирилган симменталь зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ва озуқани маҳсулот билан қоплаш даражасини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотлар турли ишлаб чиқариш типигаги симменталь зотли сигирларда олиб борилди. Сигирларнинг маҳсулдорлик белгилари зоотехнияда умумий қабул қилинган усулларда ўрганилди.

**Тадқиқот усуллари ва натижалари.** Симменталь зотли сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаг “К.Элдор” хўжалигининг қорамолчилик наслчилик подасидаги сигирларда олиб борилди. Уларнинг келиб чиқиши наслчилик ҳужжатлари асосида, ўрганилди, тирик вазни, ишлаб чиқариш типи ҳисобга олинган ҳолда уч гуруҳ III лактациядаги сигирлар танлаб олинди. I гуруҳга сут, II гуруҳга сут-гўшт ва III гуруҳга гўшт-сут типигаги сигирлар ажратилди. Сигирлар бир хил шароитда асралди, уларни озиқлантириш бераётган сут маҳсулдорлигини, тирик вазнини ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилди. Турли типдаги симменталь зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 1 жадвалда келтирилган.

Турли типдаги сигирларнинг сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$
Сут миқдори, кг	4077,0±71,9	5,86	3404,5±66,6	6,40	3118,5±75,9	8,07
Сутдаги ёғ, %	3,98±0,053	4,46	4,17±0,045	3,62	4,26±0,048	3,79
Сут ёғи чиқими, кг	162,2±0,37	5,30	142,0±1,72	4,03	132,8±1,96	4,90
4%-ли сут миқдори, кг	4056,6±35,5	2,91	3549,2±43,1	4,03	3321,2±49,1	4,91
Сутдорлик коэффиценти, кг	817,5±9,83	3,98	652,3±8,53	4,34	588,8±10,2	5,77
Тирик вазни, кг	498,7±7,97	5,30	521,9±6,36	4,04	529,6±7,15	4,48

2 жадвал маълумотларидан кўринишича, I гуруҳдаги сигирларнинг лактациядаги сут миқдори II гуруҳдаги сигирларникидан 672,5 кг ( $P>0,999$ ), III гуруҳларникидан 958,5 кг ( $P>0,999$ ), сут ёғи чиқими тегишли равишда 20,2 ва 29,4 кг ( $P>0,999$ ) ва 4%-ли сут миқдори 507,4 ( $P>0,999$ ) ва 735,4 ( $P>0,999$ ) кг юқори кўрсаткичларга эга бўлганлиги аниқланди.

I гуруҳдаги сигирларнинг сут миқдори симменталь зотининг андоза талабларидан 377 кг (10,2%), сутдаги ёғ 0,18 %, сут ёғи чиқими 22,2 кг юқори кўрсаткичлар билан тавсифланди.

Биз турли типдаги сигирларнинг озуқани сут билан қоплаш даражасини ҳам ўргандик (2 жадвал).

Сигирларнинг озуқани сут маҳсулоти билан қоплаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Лактацияда ҳар 1 бош сигирга ўртача сарфланган озуқа бирлиги, кг	3920,2	3152,3	2784,3
Сут миқдори, кг	4077,0	3404,5	3118,5
4%-ли сут миқдори, кг	4056,6	3549,2	3321,2
1 кг табиий сут ишлаб чиқариш учун сарфланган озуқа бирлиги, кг	1,04	1,08	1,12
1 кг 4%-ли сут учун сарфланган озуқа бирлиги, кг	1,03	1,12	1,19
Ҳар 100 озуқа бирлигига ишлаб чиқарилди:	96,15	92,59	89,28
табиий ёғлиликда сут, кг 4%-ли сут, кг	96,64	88,82	83,83

2 жадвал маълумотларидан кўринишича, сут типдаги сигирлар бошқа типлардаги сигирларга нисбатан юқори сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан тавсифланиб, улар озуқалар сарфини ҳам юқори даражада сут маҳсулоти билан қопладилар. Жумладан, I гуруҳ сигирлари II ва III гуруҳлар сигирларига нисбатан 1 кг табиий ёғлиликдаги сут ишлаб чиқариш учун тегишлича 3,8 ва 7,2% кам ва 1 кг 4%-ли сут учун 8,1 ва 13,5 озуқа бирлигига кам сарфладилар, аммо ҳар 100 озуқа бирлигига нисбатан тегишли равишда 3,56 кг (3,84%) ва 6,87 кг (7,69%) табиий ёғлиликдаги сут ҳамда 7,82 кг (8,80%) ва 12,81 кг (15,28%) 4%-ли сут кўп ишлаб чиқардилар.

## Хулосалар

1. Сутбоп подаларда симменталь зотли сигирларни урчитишда ишлаб чиқариш типини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш юқори маҳсулдор подалар яратишда муҳим омил ҳисобланади.
2. Симменталь зотли сут ишлаб чиқариш типигади сигирлар сут-гўшт ва гўшт-сут типигади сигирларга нисбатан озукани сут маҳсулоти билан юқори даражада қоплаш хусусиятига эга.

## Адабиётлар

1. Ламонов С.А. Эффективность использования отечественных и австрийских симментальских быков. Ж. «Молочное и мясное скотоводство», №7, 2009, с.11-12.
2. Аширов М.И., Донаев Х.А., Аширов Б.М. Продуктивные особенности коров голштинской породы австрийской селекции в условиях Узбекистана. Ж. «Зоотехния», №8, 2018.
3. Сельцов В.И. Продуктивное долголетие симменталхголштинских помесей. Ж. «Зоотехния», № 8, 2009, с. 7-9.
4. Абылкасымов Д., Вахонева А., Сударев Н. Тип телосложения и продуктивное долголетие молочных коров. Ж. «Молочное и мясное скотоводство», Москва, 2010, №7, с.12-15.